Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
26 НОЯБРЬ 1970 й
ПАЙШАНБА
№ 279 (1347).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Беш йиллик план бажарилди

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ ҒАЛАБАСИ

КПСС XXIII съезди қарорларини ҳаётга татбиқ қилиб келаётган Чилонзор район саноат корхоналарининг коллективлари улкан зафар қучдилар. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, шуннигдек, халқ хўжалиги учун зарур бўлган кўпчилик буюмларни ишлаб чиқиш бўйича беш йиллик план 26 ноябрда бажарилди.

1966—1970 йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эллик процентдан зиёд, меҳнат унумдорлигининг йиллик ўртача ўсиши олти процентдан зиёд кўпайди. Планга қўшимча 2,8 миллион сўм фойда олинди. Маҳсулот таннархини камайтиришнинг ўзидангина бир миллион сўм иқтисод қилинди.

Район саноат корхоналарининг коллективлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, беш йиллик планга қўшимча ўн миллион сўмликдан зиёд маҳсулот бериш мажбуриятини олдилар.

1966—1970 йил топшириқларининг муддатидан илгари бажарилишида пластмасса буюмлари, «Главташкентстройга қарашли ремонт-механика заводи, сут комбинати, «Сувецмр» фабрикаси ва бошқа корхоналарининг коллективлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Район корхоналарининг меҳнатчилари эришилган ютуқларини мустаҳкамлаб ва КПСС XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани ҳар тарафлама авж олдириб борниб, 1970 йил планини 20 декабрда бажаришга аҳд қилдилар.

«ЎРТОҚ» РАПОРТ БЕРДИ

✦ БЕШ ЙИЛЛИК МОБАЙНИДА 70 335 ТОННА КОНДИТЕР МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ.

✦ ЙИЛ ОХИРИГАЧА БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНГА ҚЎШИМЧА 2,5 МИЛЛИОН СЎМЛИК ШИРИНЛИКЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ.



СУРАТДА: «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг илғор ишчиларидан цех бошлиғи С. Овченко ва смена мастери А. Исамуҳамедова қутиларга жойланган маҳсулот сифатини кўздан кечираяпти.

А. Тўраев фотоси.

«Ўртоқ» кондитер фабрикасининг коллективи партия XXIV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, катта муваффақиятларга эришди. Меҳнатчилар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича беш йилликка белгиланган муддатни 20 ноябрда эгаллаганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Шу йиллар мобайнида 70 335 тонна ширинликлар ишлаб чиқарилди.

Ҳозирги пайтда қандолатчилар тайёрлаётган маҳсулотлар миллий безаклари билан эл дастурхонининг чиройини очмоқда.

Олий нав конфетларни чиройли қутичаларга жойлайдиган цех ишга туширилди. Бу йилга 60 тонна конфет тайёрлаб беради.

Фабрика коллективи ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб йил охиригача яна 2 минг тонна ёки 2 ярим миллион сўмлик кондитер маҳсулотлари етказиб беришга қарор қилди.

САВДО ХОДИМЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

Куйбишев район озиқ-овқат савдоси бўлими кунигеча мева ва сабзавотни қишга тайёрлаш планини ошириб бажарди. Ўнлаб тонна турли хил мева, карам, 4 минг 200 тонна картошка, 550 тонна пиёз ва бошқа кўплаб дала неъматлари ғамлаб қўйилди. Ҳозирги кунда ҳам колхозлардан мева ва сабзавот қабул қилиш давом этмоқда. Шаҳримиз атрофидаги Киров, К. Маркс колхозлари, Юқори Чирчиқ совхози меҳнаткашлари кунига ўнлаб тонна мева ва карам етказиб бераяптилар.

Социалистик мусобақа якунларига кўра, район озиқ-овқат савдоси бўлими коллективига республика савдо министрлиги, давлат савдоси ҳамда республика матлубот ҳодимлари касаба союз комитетининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти берилди.

ЁШ ПАХТАКОРЛАРНИНГ ОЛТИНЧИ БУТУНИТТИФОҚ СЛЁТИГА

Азиз ўртоқ!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ёш пахтакорлар VI Бутуниттифоқ слёти қатнашчиларини — Узбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон, Қирғизистоннинг Уш области ва Қозоғистоннинг Чимкент области қишлоқ ёшларининг вакилларини қизғин табриклайди.

Сизнинг слётингиз Ленин юбилейи йилида ўтмоқда. Сизларнинг республикаларингиз ва областларингизда қишлоқ хўжалигини ҳамда унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантириш соҳасида рўй берган буюк ўзгаришлар улуғ Ленни номи билан, Коммунистик партиянинг фаолияти билан чамбарчас боғланган. Бир замонлар ҳаётдан асар ҳам бўлмаган дашт биёбонлар кўп миллатли Ватанимиз халқларининг зўр ғайрат билан қилган меҳнати туфайли эндиликда гоят интенсив қишлоқ хўжалиги районларига айланди. Бу ерларда бир неча минг километр узунликда суғориш каналлари қазилди, йирик сув омборлари қурилди, неча юзлаб замонавий обод ва кўркам пахтачилик колхозлари ҳамда совхозлари вужудга келтирилди.

Пахтакорлар бу йил ажойиб муваффақиятларга эришдилар: мамлакат 6,8 миллион тонна пахта олди. Давлат илгари ҳеч қачон бунча лик кўп «оқ олтин» таёрламаган эди. Бизнинг шонли ёшларимиз ана шу меҳнат ғалабасига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Ғалла каби пахта ҳам мамлакатнинг катта бойлигидир. Биз бу бойликни ҳамиша кўпайтириб боришимиз керак. КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил июль Пленуми пахтачиликни янада ривожлантиришнинг кенг программасини белгилаб берди. Келгуси беш йилликда пахта ҳосилдорлигини анча оширши, барча колхоз ва совхозларда тўғри алмашлаб экишни ўзлаштирши, комплекс механизацияни кенг жорий қилиш, суғорилдиган ерларнинг янги катта массивларини ишга солиш керак. Партия бу вазифаларни ҳал этишда ёшларнинг энг актив иштирок қилишларига ишонади.

КПСС Марказий Комитети ёш пахтакорларнинг ҳаммасини пахта ва бошқа экинларни механизация ёрдамида етиштириш, илғор технологияни қунт билан эгаллаш ва жорий қилишга, ер, сув, техника, ўғитлардан самарали фойдаланишга даъват этади. Ҳар бир колхоз ва совхоздаги, ҳар бир район, ҳар бир область ҳамда республикадаги комсомол ва ёшлар ана шу улкан ва муҳим халқ хўжалик ишида ўз ташаббусини кўрсатсинлар.

КПСС Марказий Комитети пахтакор республика ва областларнинг ёшларн бундан буён ҳам ўзларининг ҳамма кучларн, қобилият ва билимларини социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга сарф қиладилар, КПСС XXIV съездини меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдиради.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ЭКСПОРТ—70

Бугун

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИ ЯМАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИГА БУ ЙИЛГИ БУЮРТМАЛАРНИНГ ОХИРГИ ПАРТИЯСИНИ ЖЎНАТДИ.

Шунингдек, «Тоштекстильмаш» заводининг машинасозлари ҳам қардош Польша Халқ Республикасига ўнга яқин тўқув машиналарини юбордилар.

Бундан ташқари Куба Республикасининг медицина ходимларига Тошкент ҳамия-фармацевтика заводида тайёрланган дорн-дармонларнинг катта партияси ҳам етиб борадиган бўлди.

Республика маҳаллий саноат министрлигининг бадиий буюмлар бошқармаси қардош Германия Демократик Республикасининг буюртмасини бажарди. Бу мамлакат адреси бўйлаб Риштондаги кулолчилик усталари тайёрлаган лаган, коса ва шунга ўхшаш нафис буюмлар жўнатилди.

СОҲИБКОРЛАР ИЛТИМОСИ БИЛАН

Шредер номли узумчилик ва боғдорчилик илмий тадқиқот институтига биргина мамлакатимиздан эмас, балки жаҳондаги турли мамлакатлардан илтимос номалар келиб туради. Институт олимлари Ҳиндистон соҳибкорларининг илтимосига биноан бир неча хил ток навдаларини юборишган эди. Яқинда эса қардош Болгария республикасига ток навдаларини юборишди. Бу мамлакатдаги ҳаваскор соҳибкорлардан Б. Дмитров, Г. Георгиевлар ўз ватанларида Ўзбекистон токларини ўстиришни мақсад қилганлар. Ҳаваскор соҳибкорларга узумларнинг «Хусайни», «Каттақўрғон», «Қорақишмиш», «Ризамат» каби янги навларидан навдалар юборилди.

Бундан ташқари институт ходимлари Совет Иттифоқининг 400 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқларидаги институтлар, лабораториялар, илмий текшириш станциялари ва боғбонларга смородинанинг серҳосилли навларини жўнатишди.

ТЕХНИКА АДАБИЁТЛАРИ — КОРХОНАЛАРГА

Йўлингиз тушиб, пойтахтнинг Черданцев массивига борсангиз, 11-китоб магазинига кўзингиз тушади. У ерда китоб савдоси ходимларининг ибратли ишлари билан танишасиз.

Ҳозир магазин шаҳардаги йигирма бешта йирик корхона билан алоқа боғлаган. Савдо ходимлари вақти-вақти билан бу корхоналарда бўлиб, техника адабиётлари пропагандаси билан шуғулланадилар, ишчилардан китобларга буюртмалар қабул қиладилар, китобхонлар конференцияси ўтказишга кўмаклашадилар.

Китоб магазини «Ташсельмаш» ва электрон-техника заводларида «Техника адабиётлари янгиликлари» бурчагини ташкил қилишга киришди.



СУРАТДА: шаҳримизнинг «Марказ-5» кварталида яқинда ишга тушган саноат моллари магазини. Бу магазин коллективи шаҳримиз меҳнаткашларига ибратли савдо хизмати кўрсатаётир.

М. Нуриддинов фотолари.

КОСМОНАВТ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўтган куни Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-ўрта мактабда космонавт-учувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Горбатько билан учрашув бўлиб ўтди. Пионер ва ўқувчилар космонавтни гуллар билан қутиб олдилар.

Мактабнинг катта мажлислар залида бўлиб ўтган учрашувни мактаб директори К. Расулев очди. Сўнгра В. В. Горбатько сўзга чиқиб, ўз ҳаёти ҳақида, космонавт бўлишнинг «сир»лари, яхши ўқиш ва спортнинг инсон учун аҳамияти ҳақида гапирди.

Унинг нутқи болаларга жуда маъқул бўлди.

Учаршувда Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Э. Умаров, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар иштирок этдилар.

Икки мингта мақол

Республика Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт илмий тадқиқот институти олимлари ўзбек ёзувчилари ўзларининг асарларида ишлатган мақоллар, тўплашга муяссар бўлдилар. Уларнинг қарийб ярми биринчи марта тақлил этилмоқда. Бу ишлар ўзбек адибларининг халқ оғзаки ижодига бўлган муносабатини акс эттиради.

ЁШ ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СЛЁТИ

25 ноябрда Тошкентда ёш пахтакорларнинг VI Бутуниттифоқ слёти очилди. Слёт ишида комсомол-ёшлар бригадаларининг бошлиқлари, пахта териш машиналарининг ҳайдовчилари, механизаторлар, ирригаторлар, олимлар, партия, комсомол ва совет ходимлари, шунингдек пахтачилик ветеранлари қатнашмоқдалар.

Слёт очилиши олдидан унинг қатнашчилари Ленин номли майдонга келишди ва Владимир Ильич ҳайкали ёнига гулчамбарлар қўйишди. Шундан кейин улар катта кенгаш ўтказиш учун Санъат саройига тўпландилар. Кенгаш қатнашчиларидан ҳар бирининг кўксида ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Энг яхши ёш пахтакорга» значоги кўзга ташланади. Улар слёт арафасида шу значоклар билан мукофотланган эдилар.

Слётни ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников очди. Узоқ давом этган гулдурос қарсаклар остида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси составидан иборат фахрий президиум сайланади. Совет Иттифоқининг Давлат гимни ижро этилади.

Слёт қатнашчиларн КПСС Марказий Комитетининг ёш пахтакорлар VI Бутуниттифоқ слётига йўллаган табрикномасини гоят баланд руҳ билан кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Д. Кулаков бу табрикномани ўқиб берди. Ф. Д. Кулаков слётда нутқ сўзлади.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников «КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил июль Пленуми қарорлари асосида пахтачиликни янада ривожлантириш соҳасида комсомол ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Слёт делегатлари кундузги мажлис охирида гулдурос қарсаклар билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номига мактуб ва ёш пахтакорлар VI Бутуниттифоқ слёти қатнашчиларининг мамлакатимизнинг барча ёш пахтакорларига мурожаатини қабул қилдилар.

Слётнинг ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Е. Е. Алексеевский, Бутуниттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмасининг раиси А. А. Ежевский, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари С. В. Засухин, СССР қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари Р. Н. Сидак, Узбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўмондони генерал-полковник С. Е. Белоножко, Узбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетларининг секретарлари, Узбекистон область партия комитетларининг, Қозоғистон Компартияси Чимкент область партия комитетининг биринчи секретарлари қатнашдилар. СССР космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Горбатко слётнинг ҳурматли меҳмони бўлиб келди.

Слёт ишида Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети маданият ва санъат комитетининг Раиси Павел Матев бошчилигидаги қардош Болгария Халқ Республикаси делегацияси иштирок қилмоқда.

Слётнинг ишида КПСС Марказий Комитети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг масъул ходимлари, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг масъул ходимлари қатнашмоқдалар.

Мамлакатимиз ёш пахтакорлари слёти қатнашчилари 26 ноябрда Тошкент областидаги илғор пахтачилик хўжаликларида, қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқараётган машинасозлик заводларида, илмий тадқиқот институтларида бўладилар. Урта Осиё машина-синаш станциясига ҳамда Узбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасига экскурсия қиладилар. (ЎзТАГ).

ДОҲИЙГА БЎЛГАН МУҲАББАТ

Шаҳримиздаги 9-давлат профессионал-техника билим юрти ўқувчилари пролетариатнинг буюк доҳийси Владимир Ильич Ленинга бўлган меҳр ва муҳаббатларини намойиш қилиш мақсадида унинг хотирасига бағишлаб музей ташкил қилдилар.

Мактабда таълим олаётган бўлажак матбаачилар музейни ташкил қилиш учун жуда кўп ташкилий ишларни олиб бордилар. Ўқувчилар доҳийнинг ҳаёти билан чамбарчас боғланган Ленинград, Москва, Ульяновск, Қозон, Куйбишев шаҳарларидаги музейларга хат ёза бошладилар. Айниқса, бу шаҳарларда истиқомат қилаётган кекса большевиклар ўзларининг энг яхши маслаҳатларини бердилар. Доҳийнинг секретари Л. А. Фотиева тошкентлик болаларга жуда қизиқарли маълумотларни айтиб берди.

Мана, ҳозирги пайтда билим юртида очилган В. И. Ленин музейи ҳаммининг диққатини жалб этмоқда.

Музейдаги ранг-баранг экспонатлар ҳар бир кишининг диққатини ўзига жалб этади. Доҳийнинг портрети, Разливдаги чайланинг макети, доҳий мавзолейининг пластмассадан ишланган макети, Ильичнинг Кремлдаги кабинети нодир экспонатлардан ҳисобланади.

Мактабдаги бу музейни ўқувчилар билан бирга Италия, БАР, Ҳиндистон, Франция, Лотин Америкаси мамлакатларидан келган меҳмонлар ҳам зиёрат қилдилар.

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

Сентябрь ойида Татаристон АССРнинг Миразала шаҳар драма театри шаҳримизда меҳмон бўлган эди. Сўнгра санъаткорлар республикамиз областларн бўйлаб сафарга чиқишди. Улар икки ойга яқин Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Ангран, Олмалиқ, Янгийўл, Чирчиқ каби бир қанча шаҳарларда бўлиб, ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Меҳмонлар ижросидаги ранг-баранг спектакларни ҳамма жойда зўр қизиқиш билан томоша қилишди.

Кеча

ШАҲРИМИЗДА ТАТАРИСТОНЛИК САНЪАТКОРЛАРНИНГ ХАЙРЛАШУВ СПЕКТАКЛЛАРИ БОШЛАНДИ. ТАССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби Мулла нур Мустафин раҳбарлигидаги бу коллектив бир неча кун давомида «Бошмогим», «Ҳаёт», «Қўшиқ давом этади», «Инсон қалби» сингари ҳамшаҳарларимиз эътиборини қозонган саҳна асарларини кўрсатади.

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИ

Ўтган йили пойтахтимиздаги бир қатор олий ўқув юртларида ташкил қилинган тайёрлов курслари яхшигина самара берди. Шунинг учун ҳам Узбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министрлиги бундай курслар ишини янада жонлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Ўқишга олий ўқув юртларида тайёрлов курсларига тингловчиларни қабул қилиш бошланди. Шу муносабат билан министрликда мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилишди:

— Қабул этилаётган бўлажак абитуриентлар орасида Совет Армияси сафларига ўз бурчини адо этган, ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган йигит ва қизлар қабул қилинмоқда.

Ўқишлар келгуси ойнинг ўрталарида бошланади.

Шу кунларда Ленин номли Тошкент Давлат университети, политехника, алоқа, қишлоқ хўжалиги, ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизацияси инженерлари, Низомий номли педагогика институтларининг тайёрлов курсларида қабул ишлари қизғин боряпти. Ёш ларнинг ажойиб мутахассис бўлишларида бу курсларнинг аҳамияти катта.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ҲИНДИСТОН ҲАРБИЙ БАЗАЛАРГА ҚАРШИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваран Сингх мамлакат парламентида гапириб, Ҳиндистон Ҳинд океанидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга қарши чиқмоқда, деди. Бу гаплар Ҳиндистон матбуотида катта қизиқиш туғдирди.

Ҳиндистон газеталари «Правда» газетасида босилган ва АҚШ ҳамда Англиянинг Ҳинд океанида ҳарбий базаларни вужудга келтириш планларини қоралаган мақоланинг айрим ўринларини кўчириб босдилар ва Ғарб давлатларининг ана шу қадамини Осиё ва Африка халқларининг озодлиги ҳамда мустақиллигини хавф остида қолдирувчи душманликдан иборат ҳуруж, деб баҳоламоқдалар.

ЎҚИТУВЧИЛАР ЗАБАСТОВКАЛАРИ

БОГОТА. Мактаб ўқитувчиларининг забастовка ҳаракати Колумбиянинг тобора янги районларига ёйилмоқда. Магдален департаментининг ўқитувчилари иш ташлади. Иш ташловчилар тўланмай қолган иш ҳақининг берилишини талаб қилмоқдалар. Гуахир департаментининг ўқитувчилари бошлаган забастовка давом этмоқда. Улар иш ҳақининг оширилиши ва меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб этмоқдалар.

Қундинамарк департаменти ўқитувчиларининг забастовкаси ғалаба билан тугалланди. Улар иш ҳақининг оширилишига муваффақ бўлдилар.



29 ноябрь — Югославия халқининг миллий байрами — Республика куни.

СУРАТДА: Крагуевац шаҳридаги «Црвена застава» автомобиль заводи цехида. Бу завод мамлакатдаги энг йирик корхоналардан ҳисобланади. Ҳозир у йилига 100 минг автомашина ишлаб чиқараётган бўлса, 1973 йилга келиб бу рақам 200 мингтага етади.

ТАНЮГ—ТАСС фотоси.

Тонгги газеталарда

✦ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин кеча Горькийга келди.

✦ 24 ноябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетида область партия комитетлари биринчи секретарлари, область ижроия комитетлари раислари, республика қишлоқ хўжалик органлари раҳбар ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ И. Р. Қурбонов юбилей йилидаги қишлоқ хўжалик ишларининг якунлари ва КПСС XXIV съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириш вазифалари тўғрисида ахборот берди. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Ф. Д. Кулаков нутқ сўзлади.

✦ КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Д. Кулаков Ёш пахтакорларнинг VI Бутуниттифоқ слётида нутқ сўзлади.

✦ 1970 йил 24 ноябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос 380» учирилди.

ЎРТА ОСИЁ НЕФТЧИЛАРИ «АКАДЕМИЯСИ»

ЎЗБЕКИСТОН, Қирғизистон ва Тожикистон нефть кончилари ўз илмий-тадқиқот марказига эга бўлдилар. Тошкентда нефть саноатининг Ўрта Осиё Давлат илмий-тадқиқот лойиҳа институти тузилди.

Геологларнинг фикрича, ана шу республикаларнинг ер бағрида бой нефть заҳиралари бор. Ўтган беш йиллик мобайнидагина нефть қазиб чиқариш қарийб икки баравар кўпайди. Келажакда нефть қазиб чиқариш янада ортади. Лекин Ўрта Осиё нефть қатламларининг алоҳида хусусияти шуки, бу ерларда нефть мураккаб геологик структураларда ва ғоят чуқур ерда жойлашган. Бу ҳол нефтни қидириб топиш ва қазиб чиқаришни анча қийинлаштиради, мураккаб усулларни қўлланишни талаб этади.

Янги илмий марказ нефть қазиш соҳасида ва чуқур қудуқлар пармалашда ҳозирнинг ўзидаёқ тўпланган тажрибани умумлаштиришга ҳамда тадқиқот ишларини бундан кейин ҳам олиб боришга даъват этилгандир. Бунинг учун институтда 25 тармоқ лабораториясини тузилади. Бу лабораториялар орасида нефтни пармалаш ва қазиб чиқариш технологияси, нефть қатламларини ишлаш, ҳисоблаш техникаси, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва телемеханизациялаш лабораториялари ва бошқа лабораториялар бўлади.

Айни маҳалда нефть қазиб чиқаришнинг икки асосий йўналишида — Фарғона водийсида ва Урта Осиёнинг шарқи - жанубида комплекс лабораториялар вужудга келтирилади. Кўчма автоматик электрон установкалар билан жиҳозланган бу комплекс лабораториялар ишлаб чиқариш жараёнини чуқур ўрганишга ёрдам беради.

Олимларнинг тавсиялари, тадқиқотларининг натижалари бевосита лойиҳаларда ва нефть қазиб чиқаришда фойдаланилади, бунинг учун институтда 6 та етакчи лойиҳа-қидирув бўлими тузилади. Институт қудратли экспериментал — ишлаб чиқариш базасига эга бўлади, бу базани Тошкент атрофида, Чирчиқ соҳилида вужудга келтириш мўлжалланмоқда.

Нефтчиларнинг илмий маркази — республикадаги 145-илмий тадқиқот ва лойиҳа институтидир.

(ЎзТАГ).



«Узгоспроект лойиҳа институтининг коллективи республикамиз учун қўплаб турар-жой, маданий-маиший ва болалар муассасаларининг лойиҳаларини тайёрлаб бермоқда.

СУРАТДА: архитекторлардан О. Легостаева ва Р. Блезэ янги маъмурий бино лойиҳаси устида ишламоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

Чилонзор чирой очмоқда

Бизнинг интервью

Чилонзор райони майдони жиҳатидан Тошкентдаги энг катта райондир. Уни ўзига хос шаҳар ичидаги шаҳар ҳам деб аташ мумкин. Кейинги йилларда бу ерда кўплаб саноат объектлари медицина муассасалари, мактаб ва боғчалар, микрорайонлар барпо этилди. Янги турар-жой массивларида қандай ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти? Мухбиримиз шу савол билан меҳнаткашлар депутатлари Чилонзор район Совети ижроия комитетининг раиси Б. И. Бугровга мурожаат қилди. У қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бирор объектни қуришдан олдин район Совети ижроия комитети бу участкада қандай ободончилик ишларини амалга ошириш лозимлигини белгилайди. Объектни топшириш арафасида белгиланган планга мувофиқ гулзорлар, кўкаламзорлар барпо этилади. Дарахт ниҳоллари экилади. Шубҳасиз бу ишда маҳалла ва кварталларнинг аҳолиси ҳам катта ёрдам беради.

Масалан, 1, 3, 5, 11, 12, 23-кварталларни олайлик. Бу кварталлардаги уйлар атрофи гулзор ва қалин дарахтлар билан ўралган. Ёз пайтларида бу ердаги соя-салқин йўлакларда юриш кишига роҳат бағишлайди. 17, 19, 22, 24-кварталлар ҳам йилдан-йилга чирой очиб боряпти. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина бу кварталлар аҳолиси кучи билан йигирма мингга яқин ниҳол экилди, кўплаб гулзорлар яратилди, болалар майдончалари жиҳозланади.

Ҳозир районда кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этяпти. Бу ойликда барча ЖЭКлар, квартал ва маҳалла комитетлари, мактаб ўқувчилари актив иштирок этяптилар, бир ой ичида район коммунал хўжалиги ўттиз минг дарахт ва 40 мингдан ортиқ бута ўтқазиши керак. Асосан бу ишлар Халқлар дўстлиги, Ғ. Ғулом, Фарҳод, Катортол ва бошқа магистрал кўчалар ён атрофида амалга оширилади.

Бу ниҳолларни ўз вақтида суғориб туриш учун ариқлар ва ирригацион шохобчалар тозаланяпти, янгидан қазияпти. Кўпгина жойларда суғориш мосламаларн ўрнатиш мўлжалланяпти. Барча катта қурилиш ташкилотлари, жумладан, 153-қурилиш трести, «Ташинжстрой», 7-Мостстрой ва махсус йўл-эксплуатация трести алоҳида кўчаларга биркитилган. Яқин бир неча ой ичида улар ўз объектларида суғориш мосламаларини қуриб битказишлари лозим.

Ҳозир кўчаларда ва кварталларда дарахтлар ўтқазиш, гулзорлар тупроқларини юмшатиш ишлари жадал суръатлар билан давом этяпти.

ЭЛ ЭЪТИБОРИ

Одамлар ва ишлар

ШАҲРИМИЗДА ўнлаб илмий-текшириш институтлари бор. Уларда фаннинг турли соҳаларига оид текширишлар олиб борилади, янги иктирлар қилинади. Фан ва техника тараққиёти юксак суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда бундай илмий муассасалар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шундай муассасалардан бири—Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институтидир.

Дастлаб бу ерга келган одам, коридордан ўтар экан, албатта жимликка эътибор беради. Ҳаммаёқ сув қуйгандек. Онда-сонда бирор эшик очилиб, кимдир енгил юриб ўтиб, бошқа эшикка кириб кетади. Гўё хоналарда ҳеч қандай иш олиб борилмаётгандек. Аммо тўғри келган эшикни очиб, мўраласангиз, хаёлларингиз ноўрин эканлигини дарҳол сезасиз. Хона ичида турли шиша идишлар, микроскоплар, нималарнидир бериб текшираётган кишилар кўзга ташланади. Бу ерда тажрибали одамлар ҳам, эндигина илм соҳасига қадам қўяётган ёшлар ҳам фақат бир нарса—касалликларга қарши энг эффектив кураш чораларн устида бош қотирадилар, янги дорилар топадилар.

Институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Мирҳамид Комилович Шарипов мени баъзи олиб бораётган ишлар билан таништирди:

—Институтимизда эпидемиология, микробиология, вирусология, клиника, ўта хавфли юқумли касалликлар бўлимлари ва шифохона мавжуд. Юқорида қайд этилган бешта бўлимдаги илмий изланишлар натижаси шифохонада синаб кўрилади. Энг муваффақиятли чиққан дорилар эса кенг оммалаштириш учун тавсия қилинади. Масалан, эпидемиология бўлимидаги ишларни олиб кўрайлик. Бу бўлимда медицина фанлари доктори, профессор З. К. Каримов бошчилик қилади. Бўлимда ҳозир юқумли ичак-қорин касалликлари (қорин тифи, паратифлар, юқумли сариқ касали, дизентерия)нинг олдини олиш ва профилактика усулларини ўрганиш борасида қизиқарли ишлар қилинаяпти. Бу соҳада сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, қорин тифи ва дизентерияга қарши фагопрофилактика усули ишлаб чиқилди ва даволашга татбиқ этилди. Бундан ташқари, улар ишлаб чиққан юқумли сариқ касалга қарши гаммаглобулинли профилактика чоралари ҳамда касаллик тарқалган жойда эпидемияга қарши кураш тадбирлари ҳам яхши натижалар берди.

Шу пайт хонага ўрта ёшлардаги бир киши кириб келди. Бу киши клиника бўлими бошлиғи С. М. Амбарцумов экан. Илтимосимизга кўра, у ўз бўлимидаги изланишлар ҳақида гапириб берди:

—Биз сариқ касал, дизентерия ошқозон-ичак касалликларини аниқлаш ва даволаш ишлари устида иш олиб бораяпмиз. Ҳар қандай касалликни ўз вақтида аниқлаш жуда муҳим. Бу нарса уни тезда енгиш имконини беради. Бўлимда тиф-паратифоз касалликларини тез аниқлаш ва антибиотиклар ёрдамида даволаш йўллари ишлаб чиқилди. Бунда бизга москвалик ҳамкасбларимиз яқиндан ёрдам бердилар. Бундан ташқари, витаминлар билан аралаштирилган микроэлементлар ёрдамида даволаш ҳам яхши натижа берди. Бу усулни бошқа ўзбек олимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқдик. Клиника бўлими илмий ходимлари республикамиздаги номаълум этеологияга эга бўлган касаллар сабабини аниқлаш устида олиб бораётган изланишларда ҳам актив иштирок этмоқдалар.

С. М. Амбарцумов ҳикоясини тугатиб чиқиб кетгач, Мирҳамид Комилович билан суҳбатимиз давом этди.

—Ёш олимлар учун зарурий шароитлар яратилганми? Улардан қайси бирлари сезиларли ютуқларни қўлга киритяпти?

—Институтимизда бир талай қобилиятли ёшлар илмий иш олиб боряпти. Яқинда кичик илмий ходим Р. Рашидова қорин тифи касаллигини даволаш бўйича кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. У таклиф этган метод ҳозир шифохонада муваффақият билан қўлланилмоқда. Кичик илмий ходим Раҳимова топган бактериофаг (жуда кичик микроорганизм) эса дизентерия касаллигини жуда тез аниқлаш имконини беради. Бу фаглардан республикамиздаги кўпгина лабораторияларда кенг фойдаланиляпти.

Бир неча соат мобайнида институт фаолияти билан танишиб, у ҳақда анча тасаввурга эга бўлди. Аммо у ердаги барча бўлимларда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришнинг имконияти йўқ.

Ўрта Осиёдаги шу номдаги ягона бу институт 1961 йили ташкил қилинган эди. Ўшандан буён унга доцент К. Ю. Юсупов директорлик қилиб келмоқда. Ҳозир институтдаги 22 та илмий лабораторияда 173 киши илмий иш билан машғул. Улар орасида 2 фан доктори, 50 дан ортиқ фан кандидатлари бор.

Институт республикамиздаги барча соғлиқни сақлаш органларига амалий ёрдам кўрсатиб келяпти. Бу ерда областларга методик хатлар, инструкциялар жўнатилади. Шу йил ёзда институтнинг 140 ходими ичак-қорин касалликларига қарши курашни ташкил қилиш учун бир қанча областларга борди, ҳамда 2 ой давомида қишлоқ врачларига маслаҳат ва ёрдам бериб турди. Июль ойининг ўзида 60 дан ортиқ илмий ходим Тошкент ва Сирдарё областларининг қишлоқларида, далаларида, завод ва мактабларда юқумли касаллардан сақланиш ҳақида лекциялар ўқидилар, семинарлар уюштирдилар. Илмий ходимлардан бир группаси ёзда вабонинг айрим белгилари сезилган Қора денгиз бўйига бориб, бу хавфли касал профилактикасида актив иштирок этди. Касалликларнинг тез бартараф этилишида уларнинг ҳам ҳиссаси бор.

Ҳар бир илмий ишнинг қиммати амалда қўлланиш натижалари билан белгиланади. Институт лабораторияларида топилган кўпгина янгиликлар натижаси қувонарли. Масалан, профессор С. С. Маҳсумов раҳбарлик қилаётган вирусология бўлимида полиомиелит касаллигини аниқлаш ва даволаш, қизамиққа қарши вакцинанинг таъсирини аниқлаш каби масалалар бўйича текшириш кетяпти. Қизамиққа қарши тирик вакцина қўлланила бошланган 1967 йилдан буён республикамизда бу касал 10 баробар камайди. Бўлимдаги қизамиқ лабораторияси бу вакцинанинг эффективлигини доимо текшириб турипти.

Институт ихтиёридаги 500 ўринли шифохона янгиликларни тарқатишда дастлабки босқич вазифасини ўтяпти. Шифохона бош врачи Т. Ҳ. Иноғомов, бош врач ўринбосари Ш. М. Абдунабиева, бўлим бошлиғи М. С. Сердюковалар энг янги препаратларни синаб кўриб, ҳам касалларнинг тез тузалишига, ҳам янгиликларнинг тез оммалашувига сабаб бўляптилар.

Институт мамлакатимиздаги кўпгина илмий муассасалар билан алоқа боғлаган. Улар билан ўзаро илмий ахборотлар алмашилади, стажировкалар ўтказилади. Бу ўзаро ҳамкорлик катта фойда беряпти.

Институтдан қайтар эканман, касал кўргани келган бир кишининг шифохона айтаётган гаплари қулоғимга чалинди:

—Бир неча кун олдин қўшнимизни оғир ҳолида бу ерга олиб келишганди. Бугун туппа-тузук ўтиришти, юзига қон югуриб қолипти. Яна бир ҳафтадан кейин чиқаман, дейди. Қўлинг дард кўрмагур врачлар уни энг янги, зўр дорилар билан даволашипти.

Бу содда сўзларда унинг институт олим ва врачларига «зўр дорилар»га эътиқоди сезилиб турарди. Ҳа, бу дарғоҳ ўз эзгу ишлари билан одамлар эътиборини қозонган. Зотан, эл эътибори—ҳар қандай фаолият қимматини белгиловчи мезондир.

Н. МУҲАММАДИЕВ.

Коммунистлар авангард

«Строймеханизация» трестида беш йиллик юзасидан ўз зиммаларига олган шахсий мажбуриятларини бажараётганлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу ерда, айниқса, коммунистлар авангардлик ролини ўйнаяптилар. Бульдозерчи У. Мамажонов, кўтарма кранларнинг машинистлари Э. Сатторов, М. Халиуллы, слесарлардан А. Бўронов, И. Дзвинко ўртоқлар шу кунларда янги беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишяпти. Уларнинг ғайрат кўрсатиб ишлашлари туфайли трест коллективи беш йилликнинг сўнгги йили топшириқларини бажариш арафасида турибди.

АВТОБАЗА ЗАРБДОРЛАРИ

Учинчи автобаза Бош бошқармага қарашли байроқдор автомобиль хўжаликларидан бири. Автобазанинг зарбдор шоферлари яқинда ўн бир ойлик юк ташиш топшириғини шараф билан адо этдилар. Ишчан шоферларнинг фидокорона меҳнати туфайли бир миллион оптн юз минг тоннадан ортиқ қурилиш материаллари, металл конструкциялари бўюртмачилар ихтиёрига етказиб берилди.


Айниқса, Б. Маҳмудов, Х. Нурмуҳамедов ўртоқлар бошчилик қилаётган шоферлар бригадалари автобаза шуҳратига-шуҳрат қўшишяпти. Бу бригадаларнинг ҳар бир аъзоси кунлик юк ташиш топшириқларини бир юз эллик процентгача бажаришга эришмоқдалар. Зарбдор шоферлардан М. Каримов, В. Камариддинов, Б. Деликов каби ўнлаб шоферлар ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

Совет Иттифоқи БЎЙЛАБ

Музейда Ф. Энгельсга бағишланган виставка

ЛЬВОВ. В. И. Ленин номли Марказий музейнинг Львов филиалида Фридрих Энгельс туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган виставка очилди.

Стендларда марксизмнинг ғарбий Украина диёрида тарқалишини кўрсатадиган ҳужжатлар ва адабиёт қўйилган. Нашрлар орасида Ф. Энгельснинг «Анти-Дюринг» асари бобларидан бири қўлёзмасининг фотокопияси бор. Бу асарни украин тилига Иван Франко таржима қилган. Залларда Ф. Энгельснинг украин ва поляк тилларида нашр этилган асарлари, илмий коммунизм асосчисининг асарлари босилган журналлар ва газеталар қўйилган.



ЛЕНИНГРАД. «Электроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари—трансформаторлар, турли виключателлар ҳаммага манзур бўлмоқда. Ленинградликлар ўз маҳсулотларини Осиё, Африка ва Европанинг ўнлаб мамлакатларига экспорт қиладилар.

СУРАТДА: ҳаво виключателларидан бирини йиғиш.

МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ЭСТАФЕТАСИ

Грузиядаги зарбдор комсомол қурилишларининг комсомол ёшлар коллективлари меҳнат шуҳрати эстафетасини бошладилар. Эстафета КПСС XXIV съездига, Грузияда Совет ҳокимиятни ўрнатилишининг 50 йиллигига бағишланган.

Эстафета Совет гидроэнергетикасининг дастлабки иншоотларидан бири—Земо-Авчаль ГЭСида бўлиб ўтган митингда бошланди. Бу ерда 1922 йил 10 сентябрда Серго Оржоникидзе ва Совет ҳокимиятининг таниқли арбобларидан бири Филипп Махарадзе раҳбарлигида ниҳоятда катта коммунистик шанбалик бўлиб, ёшлар бу шанбаликда актив иштирок этган эдилар.

Шундан бери зарбдор қурилишлар устидан оталиқ қилиш соҳасида Грузия комсомолининг анъанаси тобора бойимоқда. Республиканинг йигит-қизлари Колхида ботқоғини қуритдилар ва даштда янги—Рустави шаҳрини бунёд этдилар. бутун дунёга машҳур марганец шаҳри Чиатурада конлар ва бойитиш фабрикалари, Зестофанида Ферросплав заводи қурдилар.

Грузия комсомолининг эстафетаси ана шу қаҳрамонона бунёдкорлик ишининг муҳим босқичи бўлади ўтади. Эстафетанинг биринчи кунидаёқ Земо-Авчаль ГЭСининг ёшлари грузия архитектурасининг қадимий ёдгорлиги Жвари яқинида минг тупдан ортиқ қарағай, сарв, ёнғоқ кўчатлари ўтқазадилар.

(ТАСС).

Илғор коллектив паспорти

Олмаотадаги «Жетису» пойафзал фирмасининг 4-комсомол-ёшлар цехига жамоат меҳнат паспорти берилди. Бу коллектив корхонада КПСС XXIV съезди шарафига бағишланган социалистик мусобақада биринчиликни эгаллаб келмоқда. Комсомоллар йил бошидан бери бир қанча минг сўмлик материал тежаб қолдилар, битта ҳам брак маҳсулот бўлишига йўл қўймадилар. Цехнинг кўнгина ишчилари комсомол маорифи шахобчаларида ўқидилар, кўплари бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида иштирок этадилар ва спорт билан шуғулланадилар.

Илғор коллективни характерлаб берувчи ана шундай ҳужжатни яқинда Қозоғистондаги ўн етти минг комсомол-ёшлар цехи, участка, смена ва бригада олади. Бу паспорт Қозоғистон комсомоли Марказий Комитети ва республика касаба союзлари Совети томонидан қабул қилинган «Комсомол-ёшлар коллективи тўғрисида низом»га биноан берилади.

Низомда комсомол-ёшлар коллективи аъзосининг хизмат вазифаси бўйича бошқа ишга ўтказилиши комсомол комитети билан келишилган ҳолда ҳал қилиниши кўрсатиб қўйилган. Комсомол-ёшлар коллективининг раҳбари эса сайланганида ва ишдан олинганида район комсомол комитети бюросининг албатта тасдиқлаши лозим.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ га келган ХАТЛАРДАН

Ҳамма миннатдор

Биз бир неча йилдан буён шу магазиндан харид қиламиз. Магазин мудири Аброр Асомовдан тортиб, энг оддий ходимларгача харидорларга хушмуомала. Рўзғорга керакли барча озиқ-овқат, ҳатто, совун сингари маҳсулотлар ҳам ҳамиша шу ерда топилади.

Харидорлар, айниқса, катта сотувчи Ўлмас Раҳимовдан миннатдор. Раҳимов кишиларнинг фикр ва мулоҳазаларини охиригача тинглайди, маслаҳат ва таклифларини эътиборга олади. У ўн йилдан буён шу магазинда хизмат қилади. Харидорлар билан ака-укадай бўлиб қолган.

Ўлмас Раҳимов Октябрь райони озиқ-овқат савдосига қарашли 22-магазинга келгунга қадар қўриқ ва бўз ерларни янгидан ўзлаштираётган чўлқуварларга хизмат қилган. «Главголодностепстрой» ишчи таъминотида ишлаган. Намунали ишлагани учун бир неча бор савдо ташкилотларининг ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо мукофотларини олишга сазовор бўлган.

Одам қаерда ишламасин, ҳамма ерда ўз ишига масъулият ҳис этиши керак, Ў. Раҳимов худди шундай кишилардан. Шунинг учун ҳам ҳамма ундан миннатдор.

Д. СУЛТОНОВА,
уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

«Раҳмат, азиз доктор!»

Шундай одамлар борки, сен уларни умрбод эсдан чиқара олмайсан. Тўсатдан ҳароратим кўтарилиб, бошим зирқираб оғрий бошлади. Бу оғриқ тўшакка михлаб қўйди. «Тез ёрдам» мени 1-шаҳар клиник касалхонасига элтди. У ерда ўн икки кун бўлдим.

Бу даврда соғлиғим ҳақида қайғуриб яна завқли меҳнат қучоғига қайтарган врач Абдуҳамид Ҳасанов ва ҳамшираларга юрак сўзларимни йўллар эканман. — «Шифобахш қўлларингиз сира толмасин!» дейман.

Р. ҒАНИЕВ,
«Главташкентстрой»нинг 6-қурилиш трестига қарашли 7-бошқарма бинокори.



Булка-кондитер комбинатининг меҳнат аҳли ҳар кун шаҳар меҳнаткашлари учун ўнлаб тонна булка ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

СУРАТДА: булка-кондитер комбинати учинчи ишлаб чиқариш корхонасининг зарбдорларидан мастер Раҳматилла Ҳожимуродов ва конвой Клава Максимова ўртоқлар.

ҚИШ ТАРАДДУДИ

Яқинлашиб келаётган қиш фасли арафасида «Узглавуглесбыт» коллективлари республика аҳолисини ёқилғи билан таъминлашни муддатидан олдин якунлади. Кўмир етказиб бериш плани қарийб уч юз минг тонна ошириб бажарилди.

Тошкент шаҳрини ёқилғи билан таъминловчи ходимлар айниқса яхши ишлашди. Улар савдо шохобчалари орқали фақатгина аҳоли учун чорак миллион тонна ёқилғи етказиб бердилар. Пойтахт аҳолиси маҳаллий қўнғир кўмирлардан ташқари юқори калорияли Кузбасс ва Қарағанда кўмирларини ҳам олдилар.

(ЎзТАГ).


МЕТЕОРИТ ҲОСИЛ ҚИЛГАН УЛКАН КРАТЕР

Қадим замонларда ер ўн мингта ғоят кучли ядро зарядларининг бирданига портлашига баравар келадиган зарбани кечирган. Бу нарса бундан неча ўн миллион йил аввал планета астероид билан тўқнашганида юз берган. Совет геологлари Сибирнинг узоқ шимолидан, океан соҳилидан 250 километр келадиган жойда ана шу тўқнашув изларини топдидилар.

Тадқиқотчилар группасининг раҳбари, қутб геологи В. Масайтис группа қадимги фалокат юз берган жойдаги улкан воронкани топганини айтган. Воронканинг диаметри 100 километрга боради. Эриган ва синган тош бўлаклари шу думалоқ воронканинг 400 метр чуқурлигигача тўлдирган.

Олимлар кратернинг тузилиш хусусияти, шу райондаги минераллар магнетизм ва гравитациянинг характерига қарзб улкан портлаш оқибатларини кўриб турибмиз, деган фикрга келмоқдалар.

(ТАСС).



Краснодар ўлкасининг Ленинградская станциясида мамлакатимиздаги энг катта пиллоқ комбинати ишлаб турибди. Юқоридаги суратда сиз Ватанимизда ишлаб чиқарилган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган комбинатнинг цехларидан бирини кўриб турибсиз.

(ТАСС фотохроникаси).

Инсон одоби билан

Ҳаётнинг лаззати—ширин турмушда. Эр-хотин инок, бир-бирига дардкаш меҳр-оқибатли бўлса, бундан ортиқ бахт йўқ! Агар улар турмушда шундай ўрнак кўрсатсалар, бу оила фарзандлари ҳам давримизнинг муносиб кишилари бўлиб етишадилар. Зеро, замин яхши бўлса, ниҳол барваста ўсади.

Оилани яна чексиз муаммолари борки, булар ҳаммани қизиқтиради. Кўплаб оқшомхонлар редакциямизга хат йўллаб, оила ва турмуш ҳақида маслаҳатлар сўраган. Бу ҳақда педагогика фанлари кандидати О. Тўраевванинг мазкур мақоласини эълон қилдик.

Ҳурматли оқшомхонлар! Энг тотув, ибратли оилалар, меҳрибон она ва оталар, яхши фазилатли кишилар ҳақида, шу билан бирга, гўзал ҳаётимизга дог тушираётган баъзи кимсалар ва ойлабузарлар ҳақида ёзинг. Хатларингизни кутамиз.

ЯХШИ ХОТИН—СОФ ОЛТИН

ЭР ЯХШИ БЎЛСА, ХУНУК ХОТИН ҲАМ ГЎЗАЛ БЎЛАДИ

ХОТИННИНГ САРИШТАСИ— ОДАМНИНГ ФАРИШТАСИ

КЎНГИЛ—НОЗИКГУЛ

Оила — ҳаётнинг боши. Кимники турмуш тинч-тотув, иззат-ҳурматли ва ширин бўлса, бундан ортиқ бахт-саодат бўлмайди.

Оқиш-пуштиранг папкадаги хатлар кўплаб газетхонлардан келган. Мен буларни мутолаа қилар-канман, ҳат муаллифлари энг муҳим масала — оила ҳақида фикр юритганлари-ни чуқур ўйлаб қолдим. Зеро, оилавий ҳаёт муаммоси ва эр-хотин ўртасидаги муносабат масаласи кўпчиликни доимо қизиқтириб келган.

Бир қатор газетхонлар тотув оилалари, оқила рафиқаларининг меҳрибон ва доноли-гини, миришкор-лобарлигини мадҳ этадилар. Шундай ажойиб оилалар яхши одамлар кўплигидан бехтиёр қувониб кетасан, уларга тахассуб этасан.

Ҳа, шундай одамларга ҳамроҳ бўлсанг ҳамиша йўлинг ёруғ, дилинг чароғон бўлади.

Аммо, энг муҳими оилавий бахт қадрига ета билиш, уни қўлдан бой бермаслик учун курашиш керак. Сиз, қуйида оилавий бахтини йўқотиб, доғу ҳасратда қолган аёл дардини, ношуд хотиндан, ноаҳил турмушидан зорланган эркакнинг юрак сўзларини ўқийсиз.

Рамазонхон исмли бир келинчак ўз хатида онасининг ўз бахтига тўғаноқ бўлаётгани, бемаъни хатти-ҳаракатлари билан ширин ва тотув уйини бузганини куйинib ёзади. Энди у ўзини ҳам туғилажак фарзандининг ҳам бахтсиз бўлишини ўйлаб, юрак бағри эзилади. Нажот изламоқда.

Келинг, яхшиси унинг ўзи-тироб тўла хатини бирга ўқийлик: «„Онам уйга тез-тез, сабабсиз чақиравериб, эски, ярамас оилабузарчилик фикрлар билан менинг ақлимни чалғита бошлади. Айтганларини қилмайман. Отанг ярамас ташлаб кетди..», деб зинҳорлайверди-лар. Охири, ўзимни ҳам уйимга юбормай қўйдилар..»

Хат мазмунидан равшанки, она катта хатога йўл қўйган. Фақат ўзининг бугунги куни яхши ўтишини кўзлабди-ю, аммо қизининг эртанги куни-бахти нима бўлишини ўйламабди.

Наҳотки, она фарзанд тақдирига шунчалар бефарқ бўлса?

Ҳар ҳолда, инсоф юзасидан иш тутган маъқул. Маълум бўлишича, оне қизини ўз ихтиёри билан куёвга узатган. Қиз ҳам ўша хонадонга кўнгил қўйган. Қайн-бўйинлари билан чиқишиб, аҳил яшаб кетади. Қиз бола тушган жойида тиниб-тинчиб кетиши она учун бир бахт-ку? Шу бахтни она менсимай оёқ ости қилса-чи?

Хўш, қачонгача эски урф-одатлар деб ўзимизни хор қиламиз? Қачонгача ортиқча ташвиш ва дил хираликни сотиб оламиз?!

Оиланинг бузилишига кўп ҳолларда ёшларнинг ўзлари ҳам сабаб бўлишади, чунки улар турмушнинг паст-баландини яхши тушунишмайди. Шундай экан, афсуски, ҳаётнинг қандай иш билан машғул бўлмасин, ҳузурингга тезроқ келишга ошиқсин. Сен хушфеъл ва хушчақчақ бўлсанг, у ҳеч қачон сени ташлаб кетмайди».

Сиз бевалик ва ёлғизликнинг ситамларини тотган аёлсиз. Яқин кишингизни, бахтингизни йўқотдингиз. Уйингиздан файз кетди. Қалбингизнинг бир ери тимдаланган, ўзингиз ҳўрланган-дек.

Тўғри, бир томондан бахтсиз, болаларингиз бор. Уларга ҳам она, ҳам ота бўлиш осонми? Аммо оилангизда мукаммал бахт етишмайди. Ҳа, шундай! Бир вақтлар бахтли эдингиз. Аммо ўша дамларнинг қадрига етолмадингиз. Уни қўлдан бой бердингиз. Ҳозир эса пушаймонсиз.

Начора, иложингиз йўқ! Энди қизингиз ҳам бахтсиз бўлиб қолмасин. Яна бир гўдакка жабр бўлмасин. Уни дарҳол уйига элтиб қўйинг.

Ҳар бир киши ўз бахти учун курашмоғи керак. Рамазонхон, сиз ҳам шу ишдан йўлида оилангизни мустаҳкамлашга интилдингиз. Қайнбўйинларингизни туққан-тугишганлардек кўриб, ҳурмат қилдингиз, Уй-рўзғор ишларини қунт ва меҳр билан бажаришга, ўрганишга ҳаракат қилдингиз.

Оилангиз бошига қийинчилик тушганда, бирга қайғурдингиз, ишга кириб кўмаклашиш ниятида бўлдингиз. Бу фазилатларингиз билан уларда ўзингизга меҳр уйғотдингиз. Бу томонларингиз учун сизни қутламоқ керак.

Онангизнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари тинч уйингизни нотинч қилди. Ўртага совуқчилик тушибди. Сиз бўлса, кўз ёши тўкиб, она амрига итоат корона бўйин эгдингиз. Ҳа она райига қарши бориши ўзингизга эп билмадингиз. Тўғри, онани ҳурматлаш фарзандчинг олий бурчи. Бордию, у ноҳақ, ўжар бўлса-чи? У ҳолда виждон амрига қарши бориш керак-ми? Йўқ, албатта, ҳақ йўлни тутган маъқул. Онангизни ноҳақ эканига ишонтириб, қароримингизда қатъий туришингиз керак эди. Ахир ёш эмассиз, уйлик-жойликсиз, сиз ҳам онасиз. Ҳаёт кўрган кишиларга маслаҳат солганингизда янглишмаган бўлардингиз.

Тоҳиржон исмли йигит ҳам ўз оилавий ҳаётидан, турмуш ўртоғидан мамнун эмаслигини ёзибди. Ҳаётини қайта изга солиш ниятида маслаҳат сўрабди.

Хатнинг мазмунидан маълум бўладики, оиланинг бузилишига хотин кишидаги нуқсонлар сабаб бўлган.

«...Кейинги пайтларда хотинимнинг уйга бўлган муносабати ўзгара бошлади. Онам йўлга солиш ниятида бирор нарса десалар, менсимай, қайириб ташларди. Узининг билганидан қолмасди. Ўринсиз ерда ёлғон ишлатиб кўнгил қолдирарди. Уйда нималар ўтмайди, дейсиз. Сиримиз ҳам кўчага чиқадиган бўлиб қолди. Айбини айтсангиз, тан олмайди, қайсарлик қилиб бетингизга тик қараб тураверади. Муносабатимиз кундан-кунга ёмон бўлса бўлди-ю, лекин ҳеч иллмасди. Ўшанда ўйладим: «Балки бўлак турсак уй-жойнинг қадрига етар, яхши яшаб кетармиз». Қийналиб бўлса-да, ҳовли сотиб олишга рироғи, ўртадан меҳр кўтарилибди. Энди бўлмайди, ажрашамиз деяпсиз. Хўш, шундай бўлди ҳам дейлик. Унда болаларчи? Уларнинг тақдири нима бўлади? Уларни тирик етим қилиб ҳеч қачон бахтли турмуш қуриб кетолмайсиз. Бола ўз ота-онаси билан ширин ва азиз, Уни шу бахтдан бевақт маҳрум этманг?!

Сиз она сифатида ўйлашингиз зарур. Уйингиз бузилиб, болаларингиз ота меҳридан бебаҳра бўлмасин. Ёш бошингизга ёлғизлик, бевалик жабрини солиб, азоб-уқубатда ўртаниб юрманг! Қайсарлик ва жаҳолат бахт душмани эканини унутманг. Эрингизга энг кандай оилада ҳам баъзан борди-келди гаплар бўлиб туради. Шунда бир томон оғирлик қилса, ширин гапирса, «кечиринг» сўзини тилга олишдан орланмасе, олам гулистон! Бироз фурсат ўтиб, қизишган томон ховуридан тушади. Ўйлаб, сизни нотўғри хафа қилганидан хижолат тортади. Сиздан узр сўрайди. Шундай қилинганда, кўнглингизда заррача ғубор қолмайди.

Баъзан, уйинг катталаридан ҳам хатолик ўтади. Келин бажарган ишларни ёқтирмай, райини қайтаришади. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ дейдилар, Шу ўринда, келин ёш бўлганидан кўп нарсаларни билмаслигини катталар унутмаслиги лозим. Келин бамисоли бир ердан иккинчи ерга олиб ўтказилган ниҳол. Ниҳолни парвариш қилсак, ҳосилидан баҳраманд бўламиз. Келинни ҳам ўз фарзандимиздек кўриб, билмаганларини таъна қилмай, кесатмай, ётиғи билан ўргатсак — олам гулистон. Шунда, у ҳам уйга кўнгил қўяди. Ўзаро ҳурмат, тотувлик юзага келади.

Хотин киши тадбиркор бўлса, бироз қийинчиликни ўзига олса, кейинчалик ўзига фойда бўлади. «Эр-хотин — қўш қўниз» деган гап бор. Хуллас, аррани баробар тортилса, турмуш тотув ва ширин ўтади.

Катталарни, катта ўринда кўриб ҳурматлаган яхши. Улар ҳаётнинг ачиқ-чучугини тотганлар. Улардан кўп нарсаларни билиб ўрганиб олсак, ўзимизга фойда. Улардан ширин сўзимизни, хизматимизни аямасак, юзимиз ёруғ, кўнглимиз равшан бўлади.

Эр-хотин ўртасида ўзаро қадр-қиммат бўлиши керак. Бу бир-бирини ҳурматлаш, ожизини енгил қилиш ва кўнглини топишга интилиш натижасида юзага келади.

Ойшахон ТЎРАЕВА,
педагогика фанлари кандидати, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси.

Планетамиз янгиликлари

САМОЛЁТЛАР ВА ВЕРТОЛЁТЛАР УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. Лаос ватанпарвар кучлари жангчилари Сиенкуанг вилояти осмонида Америкаиинг самолёти ва вертолётини уриб туширдилар. Вьетнам информация агентлиги Каосан Патет-Лао агентлигининг маълумотига асосланиб хабар беради: 1964 йил 17 майдан буён Лаос осмонида уриб туширилган Америка самолётлари ва вертолётларининг сони 1.555 тага етди.

(ТАСС).

ГВИНЕЯДАГИ АҲВОЛ

ДАКАР. Конакри радиосининг хабар беришича, мамлакат халқ армияси қисмлари чет элга ёлланган қуролли сотқинларнинг Гвинеяга бостириб кириш йўлидаги уринишларига зарба берганлар.

Сотқинлар Португалия Гвинеясидан келган кемаларда Конакри районига туширилган. Улар пойтахтдаги асосий позицияларни қўлга олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Асирларнинг сўроқ вақтида айтган гаплари десант планига мувофиқ мудофаа министрлигини, Конакри аэродромини, пойтахт атрофидаги ҳарбий лагерни қўлга олиш мўлжалланганлигини исбот этади.

Гвинея президенти Секу Туре Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари У Танга мурожаат юборди. Секу Туре ўз мурожаатида сотқинларнинг Гвинея территориясига бостириб кирганлигини унга маълум қилди.

Секу Туре Африка давлатлари бошлиқларига ҳам мактуб юборди. У, ўз мактубида «Португалия империалистларининг Гвинея озодлиги ва суверенитетига таҳдид қилаётган хуружини қоралади».

(ТАСС).

АСОСИЙ ВАЗИФА— ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

ХЕЛЬСИНКИ. Бу ерда Европа хавфсизлигига кўмаклашувчи Финляндия комитети ташаббуси билан Европа хавфсизлиги масалаларига бағишланган халқаро семинар ўтказилди. Семинарда Финляндия, Совет Иттифоқи, ГДР, ГФР ва Англия жамоатчилиги вакиллари қатнашдилар. Улар Европа хавфсизлиги учун курашнинг турли жиҳатларига бағишланган докладларни тингладилар. Семинар қатнашчилари ўз нутқларида бир қанча таклифлар киритдилар. Бу таклифларнинг амалга оширилиши Европадаги ҳамма давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашади. Улар Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги масалаларини билан шуғулланувчи доимий орган тузиш лозимлигини ҳам айтдилар.

(ТАСС).



Дусло-Шале комбинатида (Ғарбий Словакия) мамлакатда биринчи синтетик хлоропрен каучук ишлаб чиқариш заводи фойдаланишга топширилди. Мураккаб техниканн эгаллашда словакиялик дўстларга совет мутахассислари катта ёрдам беришди.

СУРАТДА: завод пульт бошқармаси ва назорат пункти.

ЧТК—АПН фотоси.



Венгрия аҳолиси Венгрия социалистик ишчи-партияси X съездини меҳнатдаги янги муваффақиятлар билан кутиб олди. Пештимирдаги «Сабатшаг» қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативи ўз съезди олди мажбуриятини бажарди. Социалистик меҳнат коллективи номини олган далачилик бригадаси аъзолари (суратда) кузги дон экиш планини муддитидан олти кун олдин бажардилар.

МТИ—ТАСС фотоси.

КЕСКИН ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

Лондон

Буюк Британия Коммунистик партияси Лондон округ ташкилотининг конференцияси Америка Шимолий Вьетнамни бомбардимон қилишни яна бошлаганлигини қоралади ҳамда «Бутун ишчи ва прогрессив ҳаракатга, шунингдек барча тинчлик тарафдорларига мурожаат қилиб, ана шу янги агрессияга чек қўйиш учун дарҳол бирлашиб кучли ҳаракат бошлашга» даъват қилди.

Коломбо

Цейлон Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси К. П. Де Сильва айтдики, Цейлон Коммунистик партияси Америка Вьетнам Демократик Республикаси территориясини ваҳшиёна бомбардимон қилаётганлигини кескин қоралайди. Ана шу агрессив ҳаракатлар «Америка империалистларининг «Тинчлик ниятлари» деб аталган ниятларн ва уларнинг Вьетнам проблемасини тинч бартараф этиш зарурлиги хусусидаги гаплари ёлғон эканлигини батамом фош қилиб ташлайди» деди Де Сильва.

София

Жаҳон тинчлик кенгашининг бош секретари Р. Чандра АҚШ авиациясининг Вьетнам Демократик Республикасига яна ҳужум қила бошлаганлиги муносабати билан жаҳон тинчлик кенгаши номидан баёнот бериб, АҚШ ҳукумати урушни янада кенгайтириш йўлидан бормоқда, деб айтди. Р. Чандра дунёнинг ҳамма халқларини қаҳрамон Вьетнам халқи билан бирдам бўлишга чақирди.

Деҳли

АҚШнинг Деҳлидаги элчихонаси биноси ёнида оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари Америка авиациясининг ВДРдаги бир қанча аҳоли яшайдиган районларга ҳужум қилганлигига қарши норозилик билдирдилар. Намойишда иштирок этган кишилар Америка ҳарбийларининг игвогарона ҳаракатларидан газабланганликларини айтдилар.

Ғарбий Германияда чиқадиган «Капитал» журналининг хабар беришича таниқли «Шелл» монополия компанияси 1969 йили ГФРдаги ўз корхоналарида ҳар бир ишчини эксплуатация қилишдан ўн уч минг маркадан кўпроқ фойда олди.



СУРАТДА: ишчи ва иш берувчи ҳақиқатан қандай эканлиги тасвирланган.
Сурат Ғарбий Германиядаги «Берлинер экстрадинст» ахборот бюллетенидан олинган.

ТАСС фотохроникаси.

ДЗИУНКОНИНГ «БАХТЛИ ЮЛДУЗИ»

Нозиккина, катта кўзлари қайғули ва маъноли боқувчи бу қиз биринчи марта саҳнага чиқиб куйлаганида ҳамма сийқаси чиққан ғарб андазасига тақлид қилиш ва қалбакичилик кам учрайдиган ҳодиса бўлмаган япон саҳнасида янги талант пайдо бўлди, деб ўйлаганди. Уни дарҳол севиб қолишди. Ахир, бу чуқур, соф япон миллий калорити билан безалган овоз олдида қандай бефарқ қараб туриб бўларди. Ўн саккиз ёшли қўшиқчи қиз айтган қўшиқ Японияда энг оммавий қўшиқлар бўлиб қолди. Уларни барча ёшлар куйлади.

Дзиунко Абенинг отаси дайди қўшиқчи эди, онаси эса у куйлаганда гитарада жўр бўлиб турарди. Оила бир умр мамлакатни кезиб юрди. Дзиунко ҳам совуқ ва очлик нималигини эрта тушунди. Қиз олти ёшга тўлганида ота-онаси қаттиқ ночорлик сабабли уни ўзга кишилар тарбиясига берди.

Лекин Дзиунко ўн ёшида куйлай бошлади, шундан кейин отаси уни «оила труппаси»га киритиш мақсадида уйига қайтаради. Ота-онасининг сафар қилишга ҳоли қолмагандан кейин, оила Токиода муқим яшай бошлади, қиз эса оила рўзғорининг бир-дан-бир тебратувчиси бўлиб қолди. Ҳар куни кечқурун у пойтахтдаги Асакуса районидаги арзон ишратхоналари билан танилган барлардан бирига шошарди. У гитара чалиб куйларди ва бирон-бир киши чақа инъом қилишини кутарди. Кўпинча бола бир иенга ҳам эга бўлмай ярим тунда уйига қайтарди. Келажакда унн нималар кутарди...

Кутилмаганда унинг келажаги «ёркин» бўлиб қолди. Қандайдир бир олғир санъат савдогари Токионинг барлари, ресторанларн, қаҳвахоналари океанинн тўлғазган кўплаб овозлар орасидан фойда олиш мумкин бўлган «чинакам овоз»ни пайқаб қолди. Ўтган йилнинг сентябрида қўшиқчилар дебюти бўлди, бир неча кундан кейин эса ёш қўшиқчи Японияннинг ҳамма бурчакларига таниқли бўлиб қолди. Кейко Фудзининг, унинг саҳнадаги исми шундай бўлди, портретлари кўрина бошлади, унинг пластинкаларини қўя бошлашди, кўплаб телевидение каналлари уни ўз кўрсатувларида иштирок этишга таклиф қила бошладилар.

Сиртдан қараганда «байрам»нинг ниҳояси йўқдай кўринарди. Лекин фақат сиртдан. Суткасига 19—20 соатдан ишлаш, 3—4 соатдан ухлаш ,театр ва телестудияга бораётиб йўл-йўлакай шоша-пиша ейилган бутербродлар ўз ишини қилди. Шундай бўлса ҳам Дзиунконинг қалбида умид учқуни сўнмасди: эҳтимол қуламасман. У фақат бир марта, иккн номер орасида курсига беҳол ўтириб, шундай деб пичирлади: «Худди биз одам эмасга ўхшаймиз!»

У фақат бир йилга етди. 25 сентябрда, дебютнинг бир йиллигида бутун Японияга таниқли «касиу» (қўшиқчи) Кейко Фудзи навбатдаги чиқишини тугаллаб, ҳушдан кетди. Врач организми ғоят толиққан ва ва вақтинча овозини йўқотган, деб диагноз қўйди. Бутун ўтган ҳафта мобайнида Фудзи Токиодаги «Кокуасаи Гекидзе» театрида кунига уч мартадан концерт берган эди. Бунга қадар узоқ вақт мамлакат бўйлаб гастролда бўлган эди.

Бир амаллаб ўзига келгач, Дзиунко врач қарор қилдим. Уйдагилар ҳам рози бўлишди. Мана, кўчиб ҳам келдик. Алоҳида яшаяпмиз. Кутадиган кишимиз ҳам йўқ. Афсуски, хотинимнинг ҳали ҳам ўша бепарволиги қолмади. У уйга меҳр қўйган хотинларга ўхшаб: «Қандай қилсам уйим-уй, жойим-жой бўларкан», — деб ўйламади. Ахир, энди икки боланинг онаси бўлди-ку? Бошимиз ҳамон уриш-жанжалдан чиқмайди. Уй-рўзғорда барака йўқ. Эрни эр ўрнида кўрмайди. Болаларга ҳам меҳри қаттиқ. Неча бор қўйди-чиқдига бордик. Аммо меҳрибон дўст бўлишга чин юракдан киришинг. Унинг меҳнатини қадрланг ва ўзингиз ҳам унга кўмакдош бўлишга ҳаракат қилинг! Эпчил бўлиб, уй-рўзғорни эпласангиз, ширин сўз бўлиб одамлар кўнглини топишга интилсангиз, бахт сизга боқади. Ҳа, шундай бўлади.

Кексалар «бир кун уруш бўлган уйдан қирқ кун барака кетади», деб бежиз айтишмаган, Дарҳақиқат, киши бирор нарсадан хафа бўлганда, кўли ишга бормайди. Кўнгли паришон бўлиб, нима иш қилаётганини ҳам сезмайди. Ҳа юриш-туришда, на уйқусида ҳаловат бўлади...

Кўнгил бамисоли нозик гул. Камчиликни ҳадеб юзга солавериш ҳам одобдан эмас. Кишининг яхши томонларини ҳам кўра билиш керак. Кўнгилни кўтариб, йўл-йўлакай хайрли ишларга солинса, ўргатилса, яхши натижалар беради.

Ошсиз уй бор-у, уришсиз уй йўқ, деганларидек, ҳар япти, телевидениеда кутишяпти, фильмни суратга олишни тугаллаш зарур. Шартнома шартлари бешафқат.

Беш кун сезилмасдан ўтиб кетди. Дзиунко яна киши танаси ва қалбини толиқтирувчи ҳаёт қўйнига шўнғиб кетди. Бу ҳаёт тобора шафқатсиз бўлиб бораяпти, унинг кутирган суръатларига ёшлар ҳам дош беролмаяптилар. Яна бир марта ҳушдан кетиш рўй берса, нима бўларкин?

В. ДУНАЕВ.
АПН махсус мухбири. Токио.



Яқинда АҚШ ҳукумати мамлакатда яшайдиган маҳаллий ҳиндуларга нисбатан яна бир зўравонлик қилди. Аборигенлар лагерига ваҳшийларча қилинган ҳужумда полиция кўздан ёш оқизадиган газ ва ҳамчиларни ишга солиб, катта группадаги ҳиндуларни қамоққа олди. Бу хоин-монидан ажралган кишилар август ойида маҳаллий ҳокимиятнинг ҳаракатига норозилик кўрсатиш—ҳиндуларга балиқ овлашни ман этишга қарши курашиш мақсадида Такома (Вашингтон штати) шаҳри яқинидаги Пуйалуп дарёси соҳилларига кўчиб келишган эди.

СУРАТДА: ҳинду хотин-қизларининг раҳбари Аллисон Бриджес полиция томонидан қийналмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

Нирвай ПОННАЙЯНАЙ

Маросим

Ҳикоя

Н. Поннайянай ҳозирги замон Покистон ёзувчиларидан бири. У адабиётга дастлаб публицист ва таржимон сифатида кириб келган. Ҳозирги кунда ёзувчининг асарлари Покистонда маълум ва машҳур.

Шаҳардан анча олисда ўликларни куйдирадиган жой бор. Атрофи дарахтлар билан ўралган. Дарахтзор ёнида эса завод жойлашган. Жафнада бу заводни билмайдиган одам йўқ. Лекин гап бунда эмас. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа сеҳр каби сирли бўлган. Бизга ўхшаганлар бу воқеанинг тагига етолмайди. Шундай экан, ўзимизнинг бошимизни ўзимиз қотириб нима қиламиз? Худонинг ўзидан бошқа кимсага маълум бўлмаган нарсани мен ҳам билолмайман, деган гап бор-ку. Сирасини айтганда, ҳеч нимани билмасликнинг ўзи ҳам бир саодат.

* * *

Завод қўнғироғининг инграб садолари иш куни тугаганлигини маълум қилди. Ишчилар худди подага ўхшаб дарвоза томонга йўл олишди. Субайя ҳам шулар ичида.

У йўл-йўлакай елкасидаги сочиқни ушлаганча чойхонага кириб борди. Унинг толиққанлиги юришидан кўриниб турар эди. Бутун азойи-бадани мажақлаб ташланган-дек. Елкалари туртиб чиққан. У чойхонада чой ичди, болаларга майда-чуйда олди ва уйига жўнади.

У Селайянинг заводига биринчи марта келганига ўн саккиз йил бўлди. Ўша пайтда хўжайиннинг бор-йўғи ўн битта ходими бор эди: Субайя билан яна ўнта ҳаммол. Ўшанда Субайя завод машинасини ишга тушириб юборган эди. Бу воқеани у ҳамиша фахрланиб эслайди. Хўжайиннинг ўзи ҳам Субайяга сенинг қўлинг енгил экан, сен туфайли заводимда иш гуриллаб кетди, деб қўяди. Шундоқ-ку, лекин бундан Субайяга фойда йўққа.

Қачондир Субайя билан бирга ишлаган ўн ҳаммол-нинг ҳаммаси аллақачон заводдан кетиб қолишган. Ҳатто, ўшалар ҳам ундан кўпроқ пул топади. Субайя улардан биронтасини бирон ерда учратиб қолса, кўп йиллар кўксини доғлаб келаётган ғам ва алам нидо каби бағридан отилиб чиқади.

Субайя эсини танибдики, машаққат, қарз-қаволадан бошқа нарсани кўрган йўқ. Нима ҳам қиларди. Субайяга ўхшаганларнинг пешонасига ёзилгани шу экан. Лекин ўзи ҳам турмушни ўзгартириб кўришга ҳаракат қилса бўлади-ку. Шундоқ дейди-ку, лекин тақдирни ўзгартириб бўлмайди. Субайя шуларни ўйлаганда индамасдан қисматига кўниб қўя қолади.

Субайя ойига олтмиш рупий олар эди. Уйда хотинининг, еттита боланг бўлганидан кейин, олтмиш рупий кимга ҳам етарди? Шунинг учун ҳам, Субайянинг оиласи ўқи синган аравадек бир амаллаб, қилтиллаб турар эди.

Субайянинг ўзи сахий, ҳушчақчақ. Ҳаммага эд бўлиб кетади. Бугдойини тортиргани келганлар, аввало Субайя билан гаплашишади. Субайя бировнинг бир дона бугдойига ҳам хиёнат қилмай, яхшилаб тортиб беради.

Ҳа. Субайя бугдой тортади. Лекин оиласи бугдой унини кўрган эмас. Ўзи ҳам бугдой нонини еб кўрмаган. Фақат ун зарралари унинг бурнидан кириб ўпкасини қоплаб олган. Субайя ҳар сафар заводда ун чангининг ичида яшайди. Ошқозони эмас, ўпкаси унга тўлиб кетган.

Шу тариқа кунлар секин-секин ўтар эди.

Ниҳоят, кунлардан бирида...

Ўша куни аёвсиз жала қуйиб берди. Бир эмас, тўрт кунгача тўхтовсиз ёмғир ёғди. Муздек ёмғир томчилари билан совуқ шамол аралашқуралаш бўлиб кетди.

Қачондир Субайяга ёпишган касал совуқ тушиши билан яна бош кўтариб қолди.

Субайяни йўтал тута бошлади. Бу оддий йўтал эмас, сил касалига йўлиққан одамнинг азоби эди.

Субайя ўзининг сил билан оғриганлигини билмасди ҳам. Мабодо билгандаям нима қила оларди. Бир кафт кайнатилган гуруч билан бир бурда нондан бошқа дориси бўлмаса. У боши мажақланган илондек уйининг ўртасида тўлғаниб ётарди. Касаллик унинг юзига ўзининг даҳшатли тамғасини боса бошлади.

Қачонгача бундай машаққат чекади? Бундан кўра омонатини топшириб қўя қолгани афзал эмасми? Субайя бошқа чидай олмади.

— Минатуи... Мени касалхонага элтиб ташла, — деди у энтикиб. Чамаси у касалхонада ўлиш ўлишга қараганда арзонроқ тушишини билганидан учун шундай деди.

Нима ҳам қила олишарди? Субайя билан Минатуи Жафнадаги касалхонага боришди. Ҳамон майда ёмғир ёғиб турарди. Субайянинг шишиб қизарган кўзлари ич-ичига тушиб кетган эди. Қадам босса оёқлари чалишиб кетади.

Улар бир амаллаб шаҳарга етиб олишди. Субайяни яна йўтал тутди. У энди юролмай қолди. Кўча чеккасида тўхтаганча йўтала бошлади.

Минатуи чидай олмай йиғлаб юборди.

Субайя қон аралаш ун тупурар эди.

Дунёда шунча кўрган азоби етмасмиккн. Унинг қўллари аянчли тарзда осилиб қолган, тиззалари қалтирар эди.

— Сув... — деди у аранг эшитиладиган товушда.

Минатуи шу яқиндаги дўконга югуриб кетди, қайтиб келиб Субайянинг бошини тиззасига олганича оғзига сув томиза бошлади.

Субайя ҳиралашган кўзлари билан хотинининг юзига тикилиб ётарди. Унинг кўз ўнгида ўтмишнинг чалалярим хотиралари жонланди.

Никоҳ кечаси... Унинг ёшгина хотини Минатуи... Тилларанг лимонга ўхшаш таранг ва гўзал гавда. Ўйчан кўзларининг орзу тўла боқишлари... Уятдан ловиллаган юзлар, қамчиндек пишиқ қилиб ўрилган сочлар, гилосдек қизил лаблар...Ноз аралаш табассум...

Субайянинг кўзлари ярақлаб кетди, лабларн титрай бошлади.

— Хўжам, нимага бунчалик тикилиб қолдингиз?

Минатуи эрининг лабларини оҳиста силади. Унинг овозида алам билан чарчоқ оҳанглари бор эди.

Субайянинг киприклари пирпираб кетди. Бир лахзадаёқ унинг кўз ўнгида боягн тасаввурлари йўқолди. Субайянинг кўз олдида қовоқлари шишиб кетган, юзларини ажин босган, лаблари саратон иссиғидан ёрилган, сочлари оппоқ чеҳрасига қайғу-алам ифодалари ўз тамғасини босган Минатуи турар эди. Ҳамиша машаққат ва қашшоқликда яшаган Минатуи бугун ана шундай бўлиб қолган эди.

Субайянинг юзида ҳаёт ифодаси сўна бошлади. Одатда, ҳудоларнинг кўксини безагувчи тонг гули оқшом чоғида худди шундай сўлади дейишади.

Субайя сўнгги марта чуқур нафас олди. Унинг кўзлари оғиқлигича қотиб қолди. Субайя бир умрга ҳаёт билан видолашди. Минатуининг қалбига ўчмас доғ ташлаб кетди.

— Хўжам! Хўжам! — деб қичқириб юборди Минатуи даҳшат билан. Ўткинчилар йиғила бошлади. Одам тўпланди.

Оқшом қуёши сўнди. Унинг куйдирувчи нурларига чидай олмаган уфқ қонга беланиб кетди.

Чиройли нейлон сари кийган, сочини «от думи» қилиб турмаклаган аёллар, европача кийинган қизлар, автобус бекатида оқшом сайри учун ўзига мос аёл қидираётган ўспиринлар келиб марҳумни бирров томоша қилиб, қайтиша бошлади.

Шулар Минатуининг дардига малҳам бўла олармиди? Улар Минатуини хазончалик ҳам қадрлашмайдику. Йўқ, улар бошқа дунёнинг одамлари.

* * *

Тонг отди. Яна завод қўнғироғи инграб қолди. Одамлар хўжайиннинг олдига тўпланиб киришди.

— Хўш?

— Хўжайин... бугун...

— Нима бугун? Яна пул керакми? — Селайянинг жаҳли чиқиб кетди.

— Йўқ, хўжайин... Бугун бизга рухсат берсангиз, — деди ҳаммоллардан бири титраб-қақшаб. Унинг атрофида яна бир қанча ишчи турар эди.

— Нима? Нега энди? — Селайя илон чаққан одамдек ўрнидан сапчиб туриб кетди.

— Хўжайин... — ишчилар қўрққанларидан титраб қолишди.

— Ким айтди сенларга иш куни сандиқлаб юрсин деб! Иш тиқилиб ётибди-ку!

— Субайя ўлиб қолибди... Биз ўшанга...

— Эси пастлар! — Селайя уларнинг гапини шартта кесди.— Субайя ўлса нима қипти, Сенларга нима? Нима, у генерал губернатормиди? Ишдан қолмаларинг!—деди у қатъий қилиб.

Ишчилар ўзи елкасида ортмоқлаб кетаётган одамнинг оғирлигини ўзи ҳам сезмаган отдек, итоаткорлик билан жой-жойига тарқалишди.

Шу пайт кўчадан «қарс-қурс» отилган ўқ товушлари қулоққа чалинди. Бу мотам маросимига отилаётган мушаклар эди. Субайяни сўнгги йўлга кузатаётган бир тўда одамлар чувалчангдек судралиб боришарди. Улар нари борса, бешолти киши эди, холос.

Бутун завод қотиб қолди. Кейин ишчилар бир оғиз ҳам гаплашмай, қаршидан келаётган тўдага бориб қўшила бошладилар. Тез орада уларнинг сон-саноғига етиб бўлмай қолди. Улар ҳеч қандай тантанасиз, безак ва музикасиз боришар, фақат битта нарса — алам ва газаб бор эди уларнинг қалбида. Булар кишининг хоҳлаган истагини бажо келтирувчи сеҳрли дарахт— Калпакага ўхшаб бутун моддий бойликларни яратувчи хўрланган меҳнаткаш синф вакиллари — ишчилар эди.

Хўш, кейин нима бўлди?

Маросим қатнашчилари ўлик куйдирадиган ерга келишди. Гулхан ловуллаб кетди. Унинг қизил тиллари машаққатдан толиққан Субайянинг танини ялай бошлади.

Минатуи шундай даҳшат билан қаҳ-қаҳ уриб юборди-ки, атрофдагилар чўчиб тушишди...

Кейинчи?

Кейин нима бўларди...

Русчадан таржима.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕКИНХЎРЛИК, БЕЗОРИЛИК ВА ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

Майда безорилиги учун жазоланганлар

Мелников В. Н. 1948 йилда туғилган. «Средазтрансстрой» трестига қарашли 4-қурилиш-монтаж поездининг ғишт терувчиси. Ётоқхонада маст ҳолида жанжал қилганлиги учун ўн суткага ҳукм қилинди.

Сидляревец П. Ф. 1936 йилда туғилган. «Средазстроймеханизация» трестининг 18-колоннаси шофери. Ўз уйида маст ҳолида жанжал қилганлиги учун ўн суткага жазоланди.

Ҳушёрхонада тунаганлар

Моторин Г. А. 1932 йилда туғилган. «Энергомонтаж» трестининг Тошкент монтаж бошқармаси слесари.

Днепров П. А. 1945 йилда туғилган. Трактор йиғув заводининг 2-цехи токари.

СУД ЗАЛИДАН

СЎКАҒОННИНГ ЖАЗОСИ

Кеч соат олти. Олой бозори. Одамлар бирин-сирин тарқалмоқда. Лекин бозор ичида гандираклаб юрган бир киши рўпара келган одамга тегажоқлик қиляпти. Буни сезган милиция ходимлари дарҳол уни тартибга чақиришди. Маст безори уларнинг танбеҳларини инобатга олмай қилиғини давом эттираверди. Шундан кейин у оператив пунктга олиб келинди.

Безори А. Тяпин милиция ходимларини ҳақорат қила бошлади.

Яқинда Куйбишев район халқ суди бу безорининг жиноий ишини кўриб чиқди. Судда сўз олган гувоҳлар айбланувчини бозорда қилган бебошлигини безорилигини, милиция ходимларини бекорга ҳақорат қилганлигини фош қилишлар.

Халқ суди жиноятчини икки йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Х. РИЗАЕВ,
халқ маслаҳатчиси.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

МУКОФОТДАН МАҲРУМ ЭТИЛДИ

Газетанинг 13 август сонида майда безорилиги учун камалгандар орасида «Компрессор» заводининг ишчиси Столяров ҳам бўлгани хабар қилинган эди.

Завод маъмурияти қуйидагиларни хабар берди: Столяровнинг ҳудқи умумий йиғилишда муҳокама этилди. У мукофотдан маҳрум қилинди.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР Т.О.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—26|XI да Севги тумори, 28|XI да Темур Малик, Сув ҳақида поэма, Тирик аланга.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—26, 28|XI да Алишер Навоий, 27|XI да Аяжонларим.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26|XI да Менинг жаннатим, 27|XI да Гули снёх, 28|XI да Фарғона тонг отгунча.

Кино

26 НОЯБРДА

Чайковский (2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч 6 да), «ЧАЙКА» (кеч соат 8.45 минутда).

Йўлбарс изидан — «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч 8.45 минутда).

Соҳибжамол малагим (2 серия) «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «УЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Гул ва тош (2-серия) — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кечқурун).

Бу телба дунё — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

27 НОЯБРДА

Чайковский (2-серия)—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6 да), «ЧАЙКА» (кеч соат 8. 45 минутда).

Йўлбарс изидан — «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «УЗБЕКИСТОН», САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва кеч 8.45 минутда).

Гул ва тош (2 серия)—НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз ва кечқурун).

Бу телба дунё—«УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Спартак—«МОСКВА» (кундуз соат 4 да).

Лаҳма (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 1 ярим, ва 3 яримда).

Соҳибжамол малагим (кундуз соат 5 ярим ва кеч 9 да); — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ».

Бир ёзнинг ўн қиши (кундуз ва кечқурун).

Спартак (кундуз соат 12, 5 ва кеч 8 да)—«МОСКВА».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)

«ЯНГИ УЧРАШУВЛАР»

ЕШЛАР КОЛЛЕКТИВИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Қизиқарли циркомошалари.
Томошалар кеч соат 8 да бошланади.
Шанба кунлари: кундуз соат 3 ва кеч 6 да.
Якшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.
Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан очиқ.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

кафедра доцентлари; сиёсий иқтисод, қурилиш ишларини ишлаб чиқариш ва ташкил қилиш;

катта ўқитувчилар; нефть ва газ фойдали қазилма жойларини қидириш ва геология; автотранспортни ташкил қилиш ва иқтисод, қурилиш ишларини ташкил қилиш, ишлаб чиқариш ва металлар технологияси, назарий механика;

ассистентлар; илмий коммунизм, олий математика, назарий механика, чизма геометрия ва чизмачилик (ўзбек тилида), машина деталлари (2 ўрин) қурилиш механикаси ва бинолариинг сейсмик мустаҳкамлиги, геодезия ва маркшейдерия, ҳисоблаш техникаси;

ўқитувчилар; чет тиллари (француз тили).

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМЛАРИГА

кафедра ассистентлари; математика (3 ўрин, ўзбек тилида), физика (5 ўрин), чизма геометрия ва чизмачилик (2 ўрин)

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

кафедра катта ўқитувчилари; чизма геометрия ва чизмачилик;

ассистентлар; олий математика; чизма геометрия ва чизмачилик (2 ўрин);

ўқитувчилар; (рус тили).

БУХОРО ШАҲРИДА

кафедра катта ўқитувчилари; умумий инженерлик фанлари (автотранспорт эксплуатацияси);

ассистентлар; физика ва химия (химия).

ЗАРАФШОН ШАҲРИДА

кафедра катта ўқитувчилари; умумий химия;

ассистентлар; олий математика, физика, электротехника назарий асослари;

ўқитувчилар; чет тиллари (2 ўрин), (немис ва инглиз тили).

Конкурс муддати—19 декабргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 13-уй.

Жойларда созлаш ишларини ишлаб чиқариш ва Тошкентга келиб ҳисоб бериш учун: электр симлари, тармоқлар ва подстанциялар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика, вентиляция ва ҳавони кондициялаш, саноат чанг-ғубор қурилмалари ва иссиқлик тармоқлари бўйича инженерлар ва техниклар

КЕРАК

План тўлиқ топширилганда квартал мукофоти 75%, имтиёз коэффициенти 15% дан 70% гача, командировочный сутка-га 3 сўмгача ва квартира ҳақи тўланади.

Турар жой умумий асослар-да Тошкент шаҳрида 1971/73 йиллар ичида берилади.

Тошкент шаҳар, Пролетарский кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

(Куйбишев кўчаси, 16-уй, телефонлар; 33-82-86; 33-69-59; 33-93-73; 33-92-85)

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР:

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ РУС ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

(К. Маркс кўчаси, 28-уй)

саҳна ишчилари, билет тарқатувчилар, дурадгорлар

КЕРАК

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИГА

(Навоий кўчаси, 13-уй, 55-хона)

бош бухгалтерлар, ревизор-бухгалтерлар, бухгалтерлар, кассирлар, машинистналар (меҳнат ҳақи—ишбай)

КЕРАК

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ СТАНЦИЯСИНИНГ 1-РАЗРЯДЛИ РЕСТОРАНИГА

Официант лавозимига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит-қизлар

КЕРАК

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ КУТУБХОНАСИГА

(Олмазор кўчаси, 183-уй)

олий маълумотли кутубхоначилар ва нечқурун ишлаш учун катта кутубхоначилар

КЕРАК

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ СОЗЛАШ ВА ИШГА ТУШИРИШ ВА МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

Тошкент участкаси объектларида ишлаш учун 5-6 разрядли технология ускуналари слесарлари, прораблар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи-вақтбай мукофотли, район коэффициент ва командировка ҳақи тўланади.

«УЗГИПРОВОДХОЗ» ИНСТИТУТИГА

(У. Юсупов кўчаси, 1-уй)

бош бухгалтер, моддий бўлим учун катта бухгалтер, ноқчилар (меҳнат ҳақи-ишбай)

КЕРАК

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОНТОРАСИНИНГ 1-НОД ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТ БЎЛИМИГА

(Октябрь революцияси кўчаси, 16-уй),

умумий овқатланиш контораси учун бош бухгалтер ўринбосари, аппаратда катта бухгалтерлар лавозимида ишлаш учун малакали бухгалтерлар (бош бухгалтер ҳуқуқида), ошхоналарга; буфетчилар, лоточчилар, кассирлар, малакали ошпазлар, идиш-товоқ ювувчилар

КЕРАК

«УЗТЕКСТИЛЬТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ САВДО БАЗАСИГА

(Физкультурний кўчаси 18-уй)

катта бухгалтер ўринбосари, машинистка, юк ташийдиган ишчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи—ишбай.

Тошкент шаҳар, Пролетарский кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

ТЕЛЕВИЗОР

26 НОЯБРЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 Добронравов, Воронцов, Шалевич. «Отлиқ армия». Спектакль М. Горький номидаги рус Давлат Академик драма театридан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида «Ахборот» информацион программаси.

Ўзбек тилида: 20,35 Зокиржон Султонов куйлайди. 21.05 «АХБОРОТ» информацион программаси. 21.20 «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» журнали саҳифаларида. 22.00 «Қотиб қолган чақмоқлар». Бадиий фильм. 2-серия. 23.15 Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

ДУСТЛИК ЭКРАНИ

Рус тилида: 18.00 Янгиликлар панорамаси. 18.25 Ҳамид Олимжон туғилган кунининг 60 йиллиги олдидан. Адабий театр. «ШОИР ҲАҚИДА ДОСТОН». 19.05 КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА, «Қизил тонг» тикув фирмасидан репортаж. 19.25 Дўстларимиз куйлари.

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.50 Кўрсатувлар программаси. 19,55 Янгиликлар. 20.05 Адабиёт ҳақида суҳбат. 21.00 Янгиликлар. 21.05 Концерт. 21.30 Миллионлар ленинча университети. 22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. СКА (Ленинград) — «ДИНАМО» (Москва). Танаффус вақтида ҳужжатли фильмлар. 00.15 «Вақт» информацион программаси. 00.45 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 «Ўрмон чорлайди». Телефильм.

Рус тилида: 20.10 «Надежда Обухова». Фильм-концерт. 20.50 «Она-қалби». Бадиий фильм.

27 НОЯБРЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 Кичкинтойларга эртаклар. 18.30 «Ахборот» информацион программаси. 18.40 Музикали программа. 19.20 АРМАНИСТОН ССР ВА АРМАНИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ПРОГРАММА (Ўзбек ва рус тилларида).

Ўзбек тилида: 20.20 Ота-оналар университети. 21.00 Миллионлар иқтисодий университети. 21.15 «АХБОРОТ» информацион программаси. 21.30 «Фавқулодда топшириқ». Бадиий фильм. 22.55 Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КУРСАТАДИ

13.00 Кўрсатувлар программаси. 13.05 Янгиликлар. 13.15 «Изланиш резерви». Телеочерк. 13.45 Рангли телевидение. Болалар учун. «Гуп ва Гоп саргузашти». Мультфильм. 14.10 «Айбсиз». Бадиий фильм. 15.35 Янгиликлар. 15.40 Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18.00 2-синф ўқитувчилари учун консультация (рус тилида). 18.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун олий математика (Ўзбек тилида). 19,15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун олий математика (рус тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.50 Концерт. 20.35 Ўқувчилар учун эшиттириш. 21.00 Янгиликлар. 21.05 Ф. Энгельс туғилган кунининг 150 йиллиги олдидан. 21.35 Рангли телевидение. «Сурат олдидаги суҳбат». 22.05 Цирк чиқишлари. Концерт программаси. 22.45 Рангли телевидение. Сергей Есенин шеърлари асосида адабий-музикали композиция. 23.30 «Вақт» информацион программаси. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 «Момиқ олтин». Телефильм. 20.10 Симфоник оркестрининг концерти. 20.50 «Пржевальский». Бадиий фильм (рус тилида).

РАДИО

26 НОЯБРЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 «Ўзбек музикали драмаси». Суҳбатли концерт. 18.00 «Техника тараққиёти одимлари» циклидан (рус тилида). 18.10 Халқ куйлари. 19.20 Татар куйлари. 20.00 «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. 21.45 Сиёсий билимлар радиоуниверситети. «Илмий коммунизм курси нимани ўргатади». Суҳбат (Ўзбекча). 22.20 Опералардан парчалар. 22.40 С. Каромат-ов. «Эътиқод» повестидан парчалар (Ўзбекча). 23.15 Маком кечаси. 24.00 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳажвий ҳикоялар (Ўзбекча). 19.30 «Композитор Г. Синисало». Музикали эшиттириш (русча). 20.00 Афғон қўшиқлари. 20.30 Совет эврани куйлари. 21.00 Социализм мамлакатлари адабиёти. Д. Мягмар. «Довон» повестидан боблар (Ўзбекча). 21.40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

16.00 А. Аренский. «Рафаэль» операси.

Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ маориф бўлими, район касаба союз комитети ва 28-ўрта мактаб коллективи Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, 28-ўрта мактабнинг директори В. Хўжаевага отаси

Абдугофурхўжа
АБДУСАМИҒХЎЖАЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

тошкент оқшоми 4 БЕТ.
26 НОЯБРЬ, 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09 масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР 3167.
Р—04578.